

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ЕР ҚАЪРИНИ ГЕОЛОГИК ЎРГАНИШ, САНОАТДА,  
КОНЧИЛИКДА ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ СЕКТОРДА ИШЛАРНИНГ  
БЕХАТАР ОЛИБ БОРИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ  
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**43 Синтетик смолалар ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларининг 72-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2104-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сонли «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ва 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда) қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2010 йил 26 мартдаги 108-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2104, 2010 йил 19 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 20-сон, 157-модда) билан тасдиқланган Синтетик смолалар ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларининг 72-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«72. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 35-сон, 407-модда) асосида амалга оширилиши лозим.».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзкимёсаноат» ДАК билан келишилган.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ**

**Б. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 9 январь,  
7-сон

**Келишилган:**

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири*

**А. ХАЙТОВ**

*2014 йил 3 январь*

*Ўзбекистон Қасаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси*

**Т. НАРБАЕВА**

*2013 йил 10 декабрь*

*Давлат архитектура ва  
қурилиш қўмитаси раиси*

**Б. ЗАКИРОВ**

*2014 йил 6 январь*

*Ички ишлар вазири*

**Б. МАТЛЮБОВ**

*2013 йил 9 декабрь*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

**А. АЛИМОВ**

*2013 йил 17 декабрь*

*«Ўзкимёсаноат» ДАК  
Бошқарув раиси*

**Х. ШЕРМАТОВ**

*2014 йил 8 январь*